

# ﴿Дўстингиз ким?﴾

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي ]

*Абдуллоҳ ибн Али Жуайсин*

**Таржимон:** *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

**Нашрга тайёрловчи:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

**IslamHouse**.com

# ﴿من تجالس؟﴾

« باللغة الأوزبكية »

عبد الله بن علي الجعشن

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳим*

## **Иккинчи нашрнинг муқаддимаси**

Оллоҳнинг ўзигагина ҳамду санолар, сўнгги  
Пайғамбарга салавоту саломлар бўлсин ...

Сўнг ...

Бу, китобчамизнинг иккинчи нашри бўлиб,  
унда биринчи нашрдаги ёйин хатоларини тузатиб,  
баъзи қўшимчаларни илова қилдим ва айrim  
дўстларимизнинг таклифларига қулоқ бердим.  
Оллоҳ уларнинг устларидан мукофотлар  
ёғдирсин!

Оллоҳ таолодан ушбу китобча билан муаллифи  
ва ўқувчисини манфаатдор қилишини сўрайман.

Оллоҳ азза ва жалла пайғамбаримиз Муҳаммад  
ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва асҳобларига  
салавоту саломларини йўлласин ...

Барча Оламлар робби бўлган Оллоҳга ҳамду  
санолар, Унинг бандаси ва расули бўлган  
пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг

оиласи ва барча асҳоблариға салавоту саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Ушбу китобчада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уламолар ва донишмандларнинг солиҳ дўстлар билан бирга бўлиш ва ёмон йўлдошлардан узоқ туришга рағбатлантирган ибратомуз сўзлари ҳамда яхши ва ёмон дўстларнинг таъсирларини қаламга олдим.

Мен кўз олдимга Оллоҳ йўлидаги дўстларим – ёшларни келтириб, ибратли сўзларни тўплаш ва ёзишдан бошқа иш қилмадим.

Ёш дўстим, мазкур сўз ва ҳикматларни йўлингизни ёритадиган маёқ қилиб олинг. Дўстларни танлар экан табиий севги ёки завқ ҳамда мижозингизга бўйинсунманг! Чунки кўп одамлар борки, улар ҳозири ва келажагида ўрганиб қолмаслик учун суйган овқати ва нафси истаган шаҳватидан воз кечади.

Гоибона дуога муҳтож (мендек) дўстингизни дуоларингизда унутманг. Шояд ўша дуоларингиз билан Оллоҳ таоло менга ва сизга фойда келтирас.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

Абдуллоҳ ибн Али Жуъайсин

Қасим – Бурайда – Шариат факультети

Почта қутиси № 281

## *Бисмиллахир роҳманир роҳим*

Барча оламлар Робби бўлган Оллоҳга ҳамду санолар, барча оламлар учун раҳмат қилиб юборилган Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва асҳобларига салавоту саломлар бўлсин

...

Сўнг ...

Оллоҳ таоло жин ва инсонларни яратишдаги мақсадни, шериксиз Оллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилишга чеклади ва айтди:

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим».** (Зориёт: 56);

**«Аниқки, Биз ҳар бир умматга: «Оллоҳга ибодат қилинглар ва шайтондан йироқ бўлинглар», (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганимиз»** (Наҳл: 36);

**«(Барча оламлар) подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган зот — Оллоҳ баракотли-буюқдир. У барча нарсага қодирдир. (Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи**

**эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У құдратли ва мағфиратлидир» (Мулк: 1, 2).**

Булардан бошқа, одамзотнинг яратилиш ғояси – Оллоҳ таолога ибодат қилиш эканини таъкидлаган қўплаб оятлар ҳам бор.

Оллоҳ таоло яратар экан ҳикмати одамзотни бошқалар билан аралашиш, бирга ўтириш ва тўпланишга табиатан мойил бўлишини тақозо қилди.

Бирга ўтириш ва унга менгзаган нарсаларнинг одамзотнинг фикрлаши, манҳажи ва сулукига катта таъсири бўлиб, инсониннг оқибати, дунёвий ва ухровий саодатининг фаол омилидир. Зеро шахс ўзи билан бирга ўтирган киши билан таъсирланиб, ундан фикр, эътиқод, сулук ва амалда ўрнак олади.

Бунга шариат, ақл, воқеълик, тажриба ва мушоҳадалар далолат қиласи.

Шариатнинг далолати, Оллоҳ субҳонаху ва таолонинг золимнинг Қиёмат кунидаги пушаймони, адашган кимсалар адашишлари ва (Тўғри йўлдан) оғишларига золимнинг сабаб бўлганига қилган афсусидан берган ушбу хабардир:

**«У кунда бу золим қўлларини** (бармоқларини тишлаб надоматлар қилиб) **дер: «Э, қанийди мен ҳам пайғамбар билан бир йўлни тутганимда эди! Ўлим бўлсин менга, қанийди мен фалончини дўст тутмаганимда эди, Аниқки, менга эслатма — Қуръон келганидан сўнг, ўша (фалончи) мени йўлдан оздирди».** (У кунда) шайтон (ҳаёти дунёда ўзига эргашган барча) **инсонни ёрдамсиз қўйгувчидир»** (Фурқон: 27–29).

Иbn Жарир раҳимахуллоҳ ушбу оятнинг тафсирида шундай дейди: «У куни Оллоҳга бепарво бўлгани ва ўзини Роббисининг йўлидан тўсган дўстига итоат этгани боис (кофир) куфр ҳалокатига улоқтиргани учун пушаймон бўлиб: Кошки дунё ҳаётида пайғамбар билан бирга

азобдан қутқарадиган йўлдан юрсайдим, дейди. Оллоҳ таоло:

**«Аниқки, менга эслатма — Қуръон келганидан сўнг, ўша (фалончи) мени йўлдан оздирди»** (Фурқон: 29) қавли билан дунё ҳаётида дўстига итоат этиб Роббисига қилган осийлигига қилган пушаймонлигидан: У мени Оллоҳнинг даргоҳидан келган зикр – Қуръондан тўсди!, – дея дарак бермоқда» [Табарий тафсири 2/19. Суютий раҳимаҳуллоҳ ўз тафсирида (6/250) ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳудан санади саҳиҳ бўлган осорни зикр қилди. Унга кўра оятнинг нозил бўлиш сабаби шундай эди: Уқба ибн Абу Муъайт мусулмон бўлди. Бироқ кўп манбаъларда шомлик экани айтилган ҳамда Уқбанинг олдига келиб ундан аччиқланган коғир дўстининг рағбатига қараб, Ислом динидан чиқди. Лекин Усул фанида: Ибрат – сабабнинг хослигига эмас, лафзнинг умумийлигидадир, деган қоида бор. Шунинг учун ҳам, Ибн Касийр раҳимаҳуллоҳ: Нозил бўлиш сабаби Уқба ибн Абу Муъайт ёки бошқа баҳтиқаролар бўлишидан қатъий назар, ушбу

оят(нинг ҳукми) барча золим учун умумийдир, – деган (Ибн Касийр тафсири 6/116)].

Оллоҳ таоло:

**«У Кунда дўстлар бир-бирлариға душмандир, магар (Оллоҳ йўлида дўстлашган) тақводор зотларгина (мангу дўстдирлар)»** деди (Зухруф: 67).

Оллоҳга итоатсизлик асосида бир-бири билан дўстлашган ва биродарлашган кимсалар, Қиёмат кунида бир-бирлариға душман бўлишади. Бу душманлик ва адоватнинг сабаби эса, бирларининг бошқалариға ботил ишларда ёрдамчи бўлишлари, (Тўғри йўлдан) озиш ва залолатга чорлашларидир. Тақволи дўстларнинг Қиёмат кунидаги бир-бирлариға бўлган муҳаббати, дунёдагидан кўра қувватли ва комил бўлади. Чунки улар дунё ҳаётида бир-бирлариға ёрдамчи, (Оллоҳга) итоат қилишга рағбатлантирувчи ва ёмонликлардан огоҳлантирувчи бўлишган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Яхши ва ёмон сұхбатдошнинг мисоли

*мушку анбар ташиган (аттор) ва босқончининг мисолига ўхшайди. Мушку анбарни ташиган одам ё ундан сизга беради ёки сиз ундан сотиб оласиз ёхуд ундан хушбўй ҳидни оласиз (ҳис этасиз). Босқончи эса ё кийимингизни ёқади ёки ундан бадбўй ҳидни оласиз (ҳис этасиз)» (Имом Бухорий 2101, 5534; Имом Муслим 2628. Абу Мусо разияллоҳу анҳу ривояти. Ҳадис лафзи Имом Муслимники).*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатдошнинг яхшилик ва ёмонлик нисбатига қараб салбий ёки ижобий таъсирлари борлигини айтиб ўтдилар ва яхши суҳбатдошга мушку анбарни кўтариб юрган одамни ташбеҳ қилдилар. Чунки бу одам билан бирга ўтирангиз ундан сизга учта хислат кўчиб ўтади: ё у сизга мушқдан беради ёки ундан мушкни сотиб оласиз ёхуд ўзингиз, танангиз ва кийимларингизга унинг ширин ҳиди уради. Бинобарин, яхши суҳбатдошдан фойдаланасиз. Солиҳ ва саховатпеша одамлар билан бирга ўтириш манфаатлари ҳақида бир оздан кейин гапириб ўтамиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёмон суҳбатдошни босқончига ўхшатдилар. Босқон – олов пуфланадиган ва ғализ теридан қилингган (темирчилик) асбоби(и) бўлиб («Умдатул Қорий» 9/308), ё ундан сачраган ёнилғи зарралари кийимингизни куйдиради ёки ҳеч бўлмаганида танангиз ва кийимингизга ундан чиқсан қўланса ҳид ўрнашади. Бинобарин, сиз ёмон суҳбатдошлардан салбий таъсирлар оласиз ва бунинг тафсилотлари келгусида баён қилинади.

Имом Нававий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадис ҳақида шундай деди: «Ушбу ҳадисда солиҳ ва эзгу ишларни қиласиган одамлар, муруватли ва намунали ахлоқ әгалари билан бирга ўтиришнинг фазилати, бадкирдор, бидъатчи, фийбатчи, ишсиз, фосиқ ва бошқа бадхулқ нарсалар билан шуғулланадиган одамлар билан суҳбатдош бўлишни таъқиқлаш баён қилинганди» («Шарҳу Саҳиҳи Мұслим» 16/178).

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтди: «Ҳадисда суҳбатдош бўлиш билан дин ва дунёга зарар берадиган одамлар билан бирга ўтиришга таъқиқ,

дин ва дунёга фойдаси бўлган одам билан бирга ўтиришга эса тарғиб бордир» («Фатҳул Борий» 4/324).

Саъдий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадис ҳақида шундай дейди: «Мазкур икки мисол билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шуни баён қилдилар: Сиз солиҳ суҳбатдошнинг барча ҳолатларида яхшилик ва катта фойдаларни қўлга киритасиз. У – қўлидаги мушкини ё совға қилиш ёхуд сотиш билан сизга манфаат келтирадиган атторга ўхшайди. Унинг олдида озгина ўтирангиз ҳам, келган мушк бўйларидан кўнглингиз фараҳлайди. Солиҳ киши билан ҳамсуҳбат бўлиш эса, ўткир хидли мушқдан қўра фойдалироқ бўлган яхшиликларга эришишга сабабдир. Чунки, у сизга ё динингиз ва дунёйингизга фойдали бўлган нарсани ўргатади ёки насиҳат қилади ёхуд зарарли ишларингиздан огоҳлантириб, Оллоҳ таолога итоат қилиш, ота ва онага яхшилик қилиш, қариндош-уруғлар билан борди-келиш қилишга ташвиқ қилади, хатоларингиз айтади, гаплари, ишлари ва ҳолатлари билан олийжаноблик ва гўзал ахлоққа чақиради. Чунки, одамзот ўз дўсти ва суҳбатдоши билан таъсирланадиган қилиб яратилган. Табиат ва

руҳлар эса сафарбар қилинган аскарлар бўлиб, бир-бирини яхшилик ёки ёмонликка етаклайди. Ҳеч бўлмаганида солиҳ суҳбатдошдан оладиган ҳамда ҳеч камситилмайдиган фойда, у билан бўлган дўстликни ўйлаб, яхшилик қилишда рақобатлашиб ва ёмонликлардан узоқ туриб, қабоҳат ва гуноҳларга қўл урмайсиз. У сизни хузурингизда ҳам, йўқлигингизда ҳам унутмайди ҳамда муҳаббати ва дуолари тириклигингизда ҳам, ўлганингиздан кейин ҳам фойда беради. Сизнинг унга боғлиқлигингиз ва унинг сизга бўлган муҳаббати туфайли сизни доимо мудафаа қиласди. Чунки сизнинг бошингизга шундай ишлар келиши мумкинки, ўзингиз ўзингизни бевосита ҳимоя қила олмайсиз. Жумладан, у сизга фойдаси тегадиган шахс ва ишларни тавсия қилиши ҳам мумкин. ...» («Баҳжату қулубил аброр: Олтмиш саккизинчи ҳадис»).

Келгуси сатрларда суҳбатдошнинг тафсилотлари, унинг салбий ва ижобий таъсирлари ҳақидаги мавзуни қаламга олар эканман, солиҳ дўстлардан териб олиниши мумкин бўлган айрим самараларни, унинг дунё ва охиратдаги инсонга бўлган яхши таъсирларини

ҳам баён қиласман. Сўнгра, Оллоҳ йўлидаги муҳаббатнинг фазилати ва таъсирларини ҳам айтиб ўтаман. Чунки, дўстлик билан муҳаббат ўртасида чамбарчас боғлиқлик бор. Ундан кейин эса, разил ва бузғунчи одамлар билан суҳбатдош бўлиш ва ундан келиб чиқадиган зарар ва ҳалокатлар ҳақида сўз юритиб, мавзуни дўстларни танлашга тарғиб қилган айрим осорларни зикр этиш билан хотималайман.

Шубҳасиз нарсалардан бири шуки, одамлар ўзаро фарқли бўладилар. Уларнинг айримлари яхшилик очқичлари ва унга далолат қилгувчи бўлса, айримлари ёмонлик очқичи ва унга жалб қилгувчи бўлади. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «*Дарҳақиқат, одамлар ичida яхшиликнинг очқичлари ва ёмонликнинг ёпгувчилари ҳамда ёмонликнинг очқичлари ва яхшиликнинг ёпгувчилари бор. Оллоҳ таоло қўлига яхшилик очқичларини берган одамларга муждалар, Оллоҳ таоло қўлига ёмонлик очқичларини берган одамларнинг ҳолигавойлар бўлсин!*» (Ибн Можа 216. Бу ҳадисни аллома Носируддин Албоний раҳимаҳуллоҳ ҳасан деган: «Саҳиҳ Сунани Ибн Можа» 1/46).

## **Солиҳ инсонлар билан сұхбатдош бўлишнинг самаралари**

Хайр ишларни қилгувчи ва солиҳ инсонлар билан ўтиришдан ҳосил бўладиган яхшилик ва самаралар саноғига ета олмайдиган даражада қўп бўлиб, ушбу китобчада уларнинг айримларинигина эслатиб ўтаман.

Шулардан:

1 – Солиҳ инсонлар билан бирга ўтириш баракотлари суҳбатдошини қамраб, амали уларнидек бўлмасада, яхшиликлари унга ҳам ўтиб боради.

Бунга Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан Имом Бухорий ва Имом Муслим раҳимаҳумаллоҳлар қилган ривоят далолат қиласиди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таолонинг йўлларни кезиб, зикр аҳлини қидирадиган фаришталари бор. Улар Оллоҳни зикр қилаётган одамларни кўрсалар (бир-бирларини): Қидирган нарсангизга келинглар!, – деб чақиришади. Улар улар (зикр аҳли)ни қуи осмонгача қанотлари билан

ўраб оладилар. Ўзи жуда яхши билсада Роббилари улардан: Бандаларим нима дейишмоқда?, – деб сўрайди. Фаришталар: Сенга тасбих, такбир ва ҳамд айтиб улуғлашмоқда, – деб жавоб берадилар» дея узун ҳадисни айтдилар ва охирида шундай дедилар: «Оллоҳ таоло: Сизларни уларни мағфират қилганимга гувоҳ қиласман!, – дейди. Фаришталардан бири: Уларнинг орасидан улардан бўлмаган, балки, эҳтиёжи учун келган бир одам ҳам бор, –бошқа бир ривоятда эса: Уларнинг орасида хатокор фалончи банда ҳам бор. У ўтиб кетар экан улар билан бирга ўтириб қолган эди, – дейди. Оллоҳ: Улар – суҳбатдошлари баҳтиқаро бўлмайдиган суҳбатдошлардир», – дейди.Бошқа бир ривоятда эса: (Оллоҳ): Уни ҳам мағфират қилдим. Чунки, улар – суҳбатдошлари баҳтиқаро бўлмайдиган қавмлардир, – дейди (Имом Бухорий 6408, Имом Муслим 2689).

Абу Фазл Жавҳарий раҳимаҳуллоҳ: «Яхши одамларни суйган одамларга, уларнинг баракалари таъсир қиласди. Бир ит фазилатли одамларни суюб, уларга ҳамроҳлик қилди ва Оллоҳ таоло уни муқаддас Қуръонида зикр

қилди», – деди. У бу гапи билан Оллоҳнинг қуидаги оятида зикр қилинган Ғордаги йигитларнинг итини назарда тутди:

**«Уларнинг итлари эса олди оёқларини оstonага ёзиб ётур»** (Қаҳф: 18).

Куртубий раҳимаҳуллоҳ ўз тафсирида Жавҳарий раҳимаҳуллоҳнинг сўзларини келтиргач шундай дейди: «Агар баъзи итлар бундай олий мақомга солиҳ ва авлиё инсонларга йўлдош бўлиш ва аралашиш билан эришган ва буни Оллоҳ таоло муқаддас Қуръонида зикр қилган бўлса, авлиё ва солиҳ инсонларни сўйган ва улар билан аралашиб юрган мувахҳид мўминлар ҳақида нима деб ўйлайсиз?!» («ал-Жомеъ ли аҳкаамил Қуръан»: Каҳф сурасининг тафсири: 10/372).

Роғиб Исфаҳоний раҳимаҳуллоҳ айтди: «Айрим донишмандлар: Яхши одамлар атрофида ўтирган одамга, уларнинг баракаси юқади. Оллоҳнинг дўстлари билан бирга бўлганлар, гарчи Ғор йигитларининг ити каби ит бўлса ҳам, баҳтиқаро бўлмайдилар, – дедилар» («аз-Зарийъа ила макааримил ахлаақ» 192).

2 – Одамзот сұхбатдошидан намуна олиш, унинг билими, амали, сулуки ва манҗажи билан таъсирланиш табиати билан яратилған.

Яхши одамлар билан сұхбатдош бўлганлар, улардан таъсирланадилар. Мураббийлар намуна олиш йўли билан таъсирланиш, гап ва насиҳат билан ўрнак олишдан кўра таъсирчанроқ эканини жуда яхши билишади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Одам, дўстининг динида бўлади. Шундай экан, бироvingиз ким билан дўстлашаётганига боқсин!*», – дедилар [Абу Довуд 5/168, Термизий 2378, Имом Аҳмад 2/303, Бағавий «Шарҳус суннаҳ» 13/70 (бу ҳадисни Термизий ва аллома Албоний («ас-Силсилатус саҳиҳа» 927) ҳасан дедилар. Алоий ҳам буни ҳасан деди («ан-Нақдус саҳиҳ» 11), Имом Нававий эса бу ҳадиснинг санадини саҳиҳ деди («Риёзус солиҳийн» 371)].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадисларида одам дўстига устиворлик ва салоҳиятнинг борлиги ёки йўқлигига ҳамшакл ва ўхашаш бўлишини баён қилдилар. Шу боис дўстларни танлашга рағбатлантириб: «*Шундай экан, бироvingиз ким билан дўстлашаётганига боқсин!*», – дедилар. Яъни, дўсти қандай

одамлигини ўргансин ва у диндорлиги ва хулқида мақбул дўстлардан бўлсин.

Хаттобий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «*Одам дўстининг динида бўлади*», деб айтган ҳадисларининг маъноси шудир: Диндорлиги ва омонатдорлигига рози бўлганингиз одам билангина дўстлашингиз! Чунки, дўстлашганингиздан кейин у сизни ўз дини ва йўли сари етаклайди. Диндорлигингиз билан алданиб, ўзингизни хатарга отиб, дини ва йўли мақбул бўлмаган одам билан дўстлашиб қолманг!» («Китаабул узлаҳ» 141).

Суфён ибн Уйайна раҳимаҳуллоҳ айтди: «Фиръавнга қаранглар, унинг ёнида Ҳомон бор! Ҳажжожга қаранглар, унинг ёнида ундан кўра золимроқ бўлган Язид ибн Абу Муслим бор! Сулаймон ибн Абдулмаликка қаранглар, унинг дўсти – хатоларини тўғрилаб, Тўғри йўлга солиб турган Ражо ибн Ҳайваҳ бўлган!» («Китаабул узлаҳ» 141).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтди:

«Дўстнинг дўстига далолат қилгандек далолат қиласиган бирон нарса, ҳатто, оловга далолат қиласиган тутун ҳам йўқ!» (Мовардий «Адабуд дунё ваддин» 167);

«Одамларга дўстларига қараб баҳо беринглар! Чунки, одам ўзига ёқсан одам билан дўстлашади!» (Ибну Абид Дунё «Китаабул ихваан» 120).

Имом Молик раҳимаҳуллоҳ айтди: «Одамлар ҳам қушлар каби турли синфларга бўлинишади. Каптар каптар билан, қарға қарға билан, ўрдак ўрдак билан, булбул эса булбул билан бир хилдир. Одамлар ҳам ўз тоифаси билан билан биргадир!» (Ибн Ҳиббон «Равзатул уқало» 109).

Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтди: «Одамлар каклик тўдасига менгзаб, бир-бирига ўхшаш табиати билан яратилгандир» («Мажмуъу фатаава» 28/150).

Баъзи донишмандлар: «Дўстингизни дўстлашишдан илгари таниб олинг!», – дедилар (Мовардий «Адабуд дунё вад-дин» 167). Яъни, мазкур дўст сиз билан дўстлашишдан илгари ким билан дўстлашган бўлса, унинг йўли ва сулукида бўлади.

Иbn Ҳиббон раҳимаҳуллоҳ айтди: «Шахснинг феъли ва фаолиятига далолат қиладиган катта хужжат, унинг кимлар билан дўстлашгани ва кимларга муҳаббат қўйганига эътиборни қаратиш билан ён бўлади. Чунки, одамзот дўстининг динида бўлади. Учиб юрган қушлар ҳам ўз тури олдига қўнади» (Иbn Ҳиббон «Равзатул уқало» 108).

Адий ибн Зайд раҳимаҳуллоҳ айтди (Мовардий «Адабуд дунё вад-дин» 167):

Бирор ҳақида савол бермай,  
Дўстларини сен текшир!  
Дунёдаги барча дўст,  
Дўстига доим ўрнакдир!  
Бир халқ ичидаги бўлсанг,  
Сараси-ла бўл ўртоқ.  
Расволардан кечгин воз,  
Улар макони ботқоқ!

Мунтасир ибн Билол раҳимаҳуллоҳ айтди (Иbn Ҳиббон «Равзатул уқало» 109):

Айбу зийнат бўлган хулқлар  
Қилган ишу, дўсту ёрда.  
Шаклу шамойиллар ҳам,

Мойил бўлган дўсту ёрда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Руҳлар сафарбар қилинганд аскарлардир: бир-бирини танишса дўстлашади, танишмаса айрилишади» [Имом Мұслим 2638. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти. Имом Бухоирӣ раҳимаҳуллоҳ унга Оиша разияллоҳу анҳонинг ҳадисини илова қилди (3326)].

Хаттобий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай демоқчилар: Руҳлар бу дунёда ҳам учрашадилар ва ўрталаридаги илк яралишдаги ўхшашлик ва нафратга қўра ё дўстлашадилар ёки бир-биридан нафратланадилар. Шу боис яхши одамнинг ўзига ўхшаганни суюётгани, унга мойил бўлаётгани ва унинг зиддидан нафратланаётганини, фосиқ одамнинг эса ўзига ўхшаганни суюб, ўзнинг зидди бўлганни ёмон кўраётганини кўрасиз» («Маъаалимус сунан би ҳаашиятил Мунзирий» 7/187).

Ибн Жавзий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Ҳадисдан шуни тушуниш мумкин: агар одам ўзида фозил ва солиҳ одамга нисбатан нафратни кўрса, унинг сабабини қидириб йўқотиши ва мазамматли васфдан қутилиши керак. Бунинг акси ҳам худи

шундай» («Далилул Фаалиҗийн» 2/237, «Фатҳул Баарий» 6/370).

### 3 – Солиҳ дўст камчиликларингизни кўрсатади.

Солиҳ дўст сизга заиф нуқталарингиз, хатоларингиз ва хулқингиздаги камчиликларингизни кўрсатади. Натижада, ўзингизни тузатиш, камчиликларни бартараф этиш ва айбларни йўқотишга киришасиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминни мўмин дўстининг камчиликларини кўргани боис ойнага ўхшатдилар. Мўмин бу ойна билан ўз маънавий дунёси ва сулукидаги камчиликларини қўради. Чунки биродари унга, ойна ташқи камчиликларини кўрсатиб турганидек, ўз кўзи тушмаган ва идрок эта олмаган камчиликларини айтиб туради. Ўзаро камчиликларни айтиб туриш, солиҳ инсонларнинг машҳур одатларидан биридир.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Мўмин – (мўмин) биродарининг ойнасидир. Унда ёқтиргмаган нарсасини кўрса тушунтиради, тузатади ва сиру ошкорада дўстини эҳтиёт қилиб,

муҳофаза қилиб боради» (Ибн Абид Дунё «Китаабул ихваан» 131).

4 – Яхши дўстларингиз сизни бошқа одамлар билан боғлайди.

Яхши дўстларингиздан фойдаланганингиздек, улар таништирган одамлардан ҳам фойда оласиз. Бир солиҳ одам билан танишасиз ва унинг воситасида кўплаб солиҳ одамларга боғланасиз-ки, улар билан солиҳ одамнинг сизга қилган яхшиликлари кўпайиб бораверади.

5 – Сиз яхши дўстлар воситасида ўз хато ва камчиликларингиз билан танишасиз.

Солиҳ дўстингизнинг билими ва таблиғларига ўз амал ва сулукларингизни қиёслар экансиз, ибодатларингизда хато ва камчиилкларингизни ўрганасиз.

6 – Солиҳ дўст сабабли гуноҳларлардан воз кечасиз.

Сизнинг солиҳ одам билан бирга ўтиришингиз, уни ҳурматлашингиз ва жамиятдаги ўрни ва

мақомини қадрлашингиз гуноҳлардан тийилишни тақозо этади. Ушбу муваққат тийилиш, ҳаром нарсалардан мудом тийилишинигизга сабаб бўлади.

7 – Солиҳ одам сизни билишингиз фойдлаи бўлган яхши ишларга йўллайди.

Масалан, сиз билмаган ёки адо этишда ялқовлик қилган фарзни ёхуд яхшиликларни кўпайтирадиган кўпгина нафл ва ихтиёрий ибодатларни кўрсатиб, сиз қилаётган ҳаром нарсалардан қайтариб, огоҳлантиради ҳамда эзгуликнинг саноқсиз лойиҳаларидан бирини қилишга рағбатлантиради.

8 – Солиҳ дўстнинг ўзингиздан билими, ибодати, даъвати, сулуки ҳамда эзгуликнинг кўпгина жиҳатларида устун эканини кўрасиз ва бунинг сиз учун икки тарафдан фойдаси бор:

Биринчи тараф: ўзингиздан устун одамни кўргач, сизда бўлиши мумкин бўлган ўз хислат ва амалларингиз билан кибрланиш туйғуси йўқолади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммати учун кибрланишдан қўрққан ва уни гуноҳлардан бири дея ҳисоблаган эдилар: «Агар гуноҳ қилсангизлар ундан кўра қаттиқроқ нарса сизларни ўраб олади. Кибрланишдан йироқ бўлингиз! Кибрланишдан йироқ бўлингиз!» (Қузоъий «Муснадуш Шиҳааб» 1447, Баззор «Кашфл астор» 3633, Мунзирий «ат-Тарғиб» 4/20, Ҳайсамий «Мажмаъуз завааид» 10/269, ҳадиснинг янади яхшидир. Муҳаддис аллома Албоний бу ҳадисни ҳасан деди: «ас-Силсилатус Саҳиҳаҳ» 658).

Иккинчи тараф: бу, сизнинг яхши сифат ва амаллар учун мусобақа қилишингизга сабаб бўлади. Натижада, билим олиш, ибодат қилиш, сулукни тузатиш ва бошқа ишларга бўлган ғайратингиз ошади.

Шу боис Усмон ибн Ҳаким раҳимаҳуллоҳ шундай деган: «Диндорликда ўзингиздан устун, дунёдорликда ўзингиздан паст бўлган одамлар билан дўст бўлинг!» (Ибну Абид Дунё «ал-Ихваан» 125).

9 – Солих дўстлар билан сухбатдош бўлиш, барча амалларнинг тўрvasи бўлган вақт – ҳаётни муҳофаза қилиш, демакдир.

10 – Солиҳ дўст сизни ҳузурингизда ҳам, йўқлигингизда ҳам ҳимоя қилади.

Натижада, сирларингизни очмайди, ҳурматингизни тўкмайди, ҳимояга муҳтож бўлган оғир онларингизда сизни мудофаа қилади.

11 – Шахс солиҳ ва сара инсонларни кўриши билан Оллоҳни ёдга олади.

Бунга воқеълик ва шариат далолат қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам айтдилар: «*Оллоҳ таолонинг дўстлари шундай одамларки, уларни кўриш биланоқ Оллоҳни ёдга олинади*» [Суютий раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисни «ал-Жомиъус сағийр»да Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан марфуъан ривоят қилган ва уни аллома Албоний раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳул Жомеъ»да (2557) ҳасан деган].

Бошқа бир ҳадисларида эса: «*Сизларга ичингиздаги яхшиларингиздан хабар берайми?*», – дедилар. Саҳобалар: Ҳа, ё Расулуллоҳ!, – дейишганида: «*Сизларнинг яхшироқларингиз шундай одамларки, уларни кўриш биланоқ Оллоҳни ёдга олинади*», – дедилар [Иbn Можа 4119. Асмо Язид қизининг ривояти. Ҳадиснинг санадини Бусирий раҳимаҳуллоҳ

«Завааид»да ҳасан деган (3/273) ва унинг бунга Абдурраҳмон ибн ғанам, Убода ибн Сомит, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳум ва бошқалардан нақл қилинган ҳужжатлари бор].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур икки ҳадисларида авлиё ва сара инсонларнинг кўрган одамларга таъсири бўлиб, кўришнинг ўзи билан Оллоҳни ёдга ола бошлайдилар. Шояд бунинг сабаби, кўрган одамнинг авлиё ва сара инсонларда ҳидоят, хомушлик, ҳайбат, иймон нури ва гўзал ахлоқни кўришлари бўлса ажаб эмас. Уларни бир кўришда шундай таъсир бўлар экан, улар билан бир даврада сухбатдош бўлган ва уларнинг ёнида бўлган одамлар қандай бўлиши мумкин?!

Шунинг учун Мусо ибн Уқба раҳимаҳуллоҳ: «Дўстларимдан бирига дуч келсан, уни учратганим боис бир неча кун оқил бўлиб яшайман», – дер эди (Ибн Ҳиббон «Равзатул үқало» 92).

Суфён раҳимаҳуллоҳ айтди: «Кўпинча дўстларимдан бирини учратар эканман, учратганимдан сўнгра бир ой давомида оқил бўлиб яшар эдим» (Ибн Ҳиббон «Равзатул үқало» 93).

Абу Сулаймон раҳимаҳуллоҳ айтди: «Мен Ироқдаги дўстларимдан бирига нигоҳ ташлар ва ундан таъсирланиб, бир ой давомида амал қиласар эдим» (Ибн Ҳиббон «Равзатул үқало» 92).

12 – Солиҳ дўстлар фаровонлик кунларингизда сиз учун зийнат ва йўлдош, оғир кунларингизда заҳирадир.

Улар қайғу ва аламларингизни енгиллатиш, муаммоларингизни ҳал қилишда катта ёрдамчидир. Сиз мусибатлар бостирган, йўлларингиз озайган ва қийналган кунларингизда уларнинг фикр ва маслаҳатлари билан кўнглингиз ёришади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бир куни дўстларининг ҳузурига чиқди ва: «Сизлар ғамимни кетказгувчи (жило)ларсиз!», – деди (Ибн Ҳиббон «Равзатул үқало» 92).

Аксам ибн Сойфий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Дўстлар билан учрашиш, ғамларга тасаллидир!» (Ибну Абид Дунё «ал-Ихваан» 155).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтди: «Ростгүй дўстлардан айрилма ва уларнинг даврасида яша! Чунки улар фаровонлик пайтида зийнат, оғир кунларда заҳирадир!» (Ибну Абид Дунё «ал-Ихваан» 116, Мақдисий «ал-Мутаҳааббийна филлаҳ» 31, Ибн Ҳиббон «Равзатул үқало» 90).

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу айтди: «Дўстлардан айрилмангиз! Чунки, улар дунё ва охиратда заҳирадир!» (Абу Ҳомид Ғаззолий «Эҳяу үлумид дийн» 2/160).

Довуд Тоий раҳимаҳуллоҳга бирор: Менга васият қилсангиз?, – деганида: «Тақволи одамларга йўлдош бўл! Чунки, улар дунё аҳлининг сенга юки оз ва ёрдами кўп бўлганларидир!», – деб жавоб берди (Ибну Абид Дунё «Китабул-Ихваан» 124).

Шабиб ибн Шайба раҳимаҳуллоҳ айтди: «Чин дўстлар – дунёнинг энг яхши даромадидир. Улар – фаровонлик пайтида зийнат, мусибатли онларда заҳира ва яхши тирикчилик ўтказишда ёрдамчидир» (Мақдисий «ал-Мутаҳааббийна филлаҳ» 30).

Айрим донишмандлар айтдилар: «Дўст ўлароқ диндор, насабли, фикрли ва одобли одамни танла!

Чунки, у сенга муҳтож бўлганингда ҳожатбарор, мусибат онингда тасалли, ёлғизлигингда улфат ва фаровонлигингда зийнат бўлади» (Мовардий «Адабуд дунё вад-дийн» 168).

Абдулазиз Абраш раҳимаҳуллоҳ айтди (Иbn Ҳиббон «Равзатул уқало» 93, 94):

Кўп одамлар билан дўстлаш,  
Дўстлар олтиндан қимматдир.  
Мусибат онидаги бундай дўст,  
Туғишган оғадан олийҳимматдир!

Маҳдий ибн Собиқ раҳимаҳуллоҳ айтди (Иbn Ҳиббон «Равзатул уқало» 93, 94):

Имконинг бўлса, кўп бўлсин дўсту ёринг,  
Чунки, улар сенинг ёрдамчи-ю, дастёринг!

13 – Сизнинг солиҳ кишилар билан биродарлигингиз ва суҳбатдошлигингиз Қиёмат кунида қайғу ва аламлари бўлмаган ҳамда ғамгин бўлмайдиган кишилар қаторида бўлишингизга сабаб ва дўстлик ва улардан айрилмаслик, кафолатдир.

Оллоҳ таоло айтди:

**«У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Оллоҳ йўлида дўстлашган) тақводор зотларгина (мангу дўстдирлар). (У Кунда уларга айтилур): «Эй, Бизнинг оятларимизга иймон келтирган ва мусулмон бўлиб ўтган бандаларим, бу Кун сизлар учун ҳеч хавфу-хатар йўқдир ва сизлар асло ғамгин бўлмайсизлар»** (Зухруф: 67, 68).

14 – Сиз тириклигингизда ҳам, ўлганингиздан кейин ҳам уларнинг қилган ғоибона дуоларидан фойдаланасиз.

Бир-бирлари учун хайрли дуолар қилиш, солиҳ инсонларнинг одатлариdir. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Мусулмон одамнинг дўсти учун қилган ғоибона дуоси – мустажобдир. Унинг тегасида вакил қилинган фаришта бўлади. Дўсти учун хайр дуо қилгани сайин вакил қилинган фаришта: Омиён, сенга ҳам ўшанча бўлсин!, дейди», – деганлар* (Имом Муслим 2733. Уммуд Дардоъ разияллоҳу анҳо ривояти).

Убайдуллоҳ ибн Ҳасан раҳимаҳуллоҳ бир кишига: «(Солиҳ) дўстларни кўпайтир! Ўлиминг ҳақидаги хабар етиб боргач улардан сенга келган энг оддий нарса – уларнинг сенга қилган дуоларидир», – деди (Ибну Абид Дунё «Китабул-Ихваан» 113).

Хатиб Бағдодий раҳимаҳуллоҳ «Таъриху Бағдаад» китобида машхур қорилардан бири бўлган Тийб ибн Исмоил раҳимаҳуллоҳнинг таржимаи ҳолида шундай сатрларни ёзган: «Унинг уч юзта дўстининг рўйхати ёзилган варағи бўлиб, ҳар кеча уларнинг ҳаққига дуо қиласр эди. Бир кеча дуо қилмай ухлаб қолди ва тушида унинг куняси билан: Абу Ҳамдун, бу кеча чироғингизни ёқмадингиз-ку!!, – дейилди. У (уйғониб) ўтирди ва варағини олиб, дўстларининг барчасига биттабиттадан дуо қилиб чиқди» («Таъриху Бағдаад» 9/361).

15 – Солиҳ инсонларнинг даврасидан жин ва инсон шайтонлар қўрқадилар.

Улар билан бирга ўтириш, шайтонларнинг васваса ва озорларидан тўсадиган мустаҳкам қалъадир. Бу, ёмон одамлар даврасининг аксиdir.

Ёмон одамлар давраси шайтонларинг қароргоҳидир. Одам жамиятдан четда ёлғиз қолса ҳам, шайтон олиб келган ёмон васваса ва бузук фикрлар асирига айланади. Шу боис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жамоатдан айрилманг! Чунки бўри четда қолган (қўйни) ейди!», – деганлар [Имом Аҳмад 5/196, 6/446, Абу Довуд 547, Насойи 2/106. Аллома Албоний «Саҳиҳун Насойи»да бу ҳадисни ҳасан деган (1/184)].

16 – Оллоҳ учун бирга ўтириш, дўстлашиш ва зиёратлашиш, ҳадис қудсийда айтилганидек, Оллоҳнинг муҳаббатига сабабдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Оллоҳ таборака ва таъоло айтди: Менинг муҳаббатим – Мен учун бир-бирига муҳаббат қўйганлар, бир-бирини зиёрат қилганлар ва бир-бiri учун фидоийлик қилганлар учундир» [Имом Молик «Муваттоъ» 2/953. Бунинг санадини Абдул Бар ва имом Нававий «Риёзус солиҳийн»да (387–) ҳадисда саҳиҳ эканини айтди. Мунзирий «ат-Тарғибу ват-Тарҳиб» 3/340. Аллома Албоний «Саҳиҳул Жомеъ»да (4331) саҳиҳ деди].

Бу ҳадисни Имом Молик раҳимаҳуллоҳ Муоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу ривояти билан нақл қилган бўлса, Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Амр ибн Абаса разияллоҳу анҳунинг ҳадисини ушбу лафз билан нақл қилди: «(Оллоҳ таоло айтди): «Менинг муҳаббатим Мени деб бир-бирларини сўйган одамлар учун, Менинг муҳаббатим Мени деб бир-бирларини зиёратлашган одамлар учун, Менинг муҳаббатим Мени деб бир-бирларига фидоийлик қилган одамлар учун, Менинг муҳаббатим Мени деб бир-бирлари билан дўстлашган одамлар учун лойиқ бўлди» [Мунзирий «ат-Тарғибу ват-Тарҳиб» 3/47. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳнинг ровийлари ишончлидир. Табароний «ас-Салааса»да нақл қилди ва ҳадис лафзи үникидир. Ҳоким раҳимаҳуллоҳ ҳам бу ҳадисни ривоят қилди ва: Ҳадиснинг санади саҳиҳдир, – деди. Димётий «ал-Матжарур Робиҳ» (555 бет)да: Имом Аҳмад уни саҳиҳ санад билан ривоят қилди, – деди. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ бу ҳадисни Убода ибн Сомит разияллоҳу анҳудан ҳам ривоят қилди ва Мунзий ва Димётийлар уни икки жойда «саҳиҳ санад билан» дея нақл қилишди].

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бирор бошқа қишлоқдаги дўстини зиёрат қилди. Оллоҳ таоло унинг йўлига битта

*фариштани вакил қилиб қўйди. Фаришта олдига келган одамга: Қаёққа кетаяпсиз?, – деди. У: Мен шу қишлоқдаги бир дўстимнинг олдига кетаяпман, – деди. Фаришта: Унинг зиммасида олишингиз керак бўлган бирон неъмат борми?, – деб сўради. Одам: Йўқ, фақатгина, мен уни Оллоҳ учун яхши кўрдим, – деди. Фаришта: Мен сизга Оллоҳ таолонинг сизни у (дўстингиз)ни Оллоҳ йўлида яхши кўрганингиздек яхши кўрганини (айтиш учун юборилган) элчисиман, – деди» (Имом Муслим «Саҳиҳ: Китабул бирри вас силаҳ, Бабу фазлил ҳубби филлаҳ» 2567, «Шарҳун Нававий ли Саҳиҳи Муслим» 16/124).*

**17 – Солиҳ одамларнинг мажлислари – Оллоҳ азза ва жаллани зикр қилиш мажлислариидир.**

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

*«Бир қавм Оллоҳ азза ва жаллани зикр қилиб ўтирас эканлар, уларни фаришталар ўраб, раҳматлар қамраб олади, устларидан хотиржамлик ёғади ва Оллоҳ уларни ҳузуридаги зот (фаришта)лар ичida зикр қиласди» (Имом Муслим 2700);*

«Бир қавм Оллоҳни зикр қилиш учун тўйланишиша ва бу билан Оллоҳнинг Ўзинигина қасд қилишиша, самодан бир нидочи: (Ўрнинигиздан)кечирилган ҳолатингизда туринглар, сизларнинг ёмонликларингиз ҳасанотларга айлантирилди!, – дейди» [Имом Аҳмад 12480. Аллома Албоний: Ушбу ҳадиснинг санади ҳасандир, иншаОллоҳ, деди («ас-Силсилатус саҳихаҳ» 2210. У «Саҳихул Жомеъ»да шунга ўхшаш ҳадисни зикр қилиб, унинг саҳиҳ эканини айтди 2/981].

18 – Оллоҳ йўлидаги дўстларини зиёрат қилиш билан банда севинади, босган одимлари ўзига ёқади ва жаннатдан катта қасрни ҳозирлаб қўяди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бирон беморни кўрган ёки Оллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилган одамга самодан нидо қилгувчи нидо қиласди: Яхши иш қилдингиз ва юришларингиз яхши бўлди ва жаннатдан жой тайёрлаб олдингиз!» [Термизий 2008, Ибн Можа 1443. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти. Бироқ, Ибн Можанинг ривоятида «Оллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилган» жумласи йўқдир. Бу ҳадис ҳасан ғарибдир. Бу ҳадисни Ибн Ҳиббон раҳимаҳуллоҳ «Мавааридуз замъаан» китобида саҳиҳ деган бўлса (712), Албоний «Саҳиҳу Жомиъит Термизий»да ҳасан деган (2/195)].

Анас разияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисларини ривоят қилади: «Қайси банда биродарини Оллоҳ учун зиёрат қиласа самодан бир нидо қилгувчи: Хуш бўлдинг ва сенга жаннат ҳам хуш бўлди!, – дейди. Оллоҳ таоло эса аршининг мулкида: Бандам мен учун зиёрат қилди. Унга зиёфат қилиш зиммамдадир!, – деб унга жаннатдан бошқа савобга рози бўлмади» [Баззор «аз-Заваайд: Китаабул бирр вас-Силаҳ, Бабуз-Зиярати» 1918, Абу Яъло «Муснад» 4140, Мунзирий «ат-Тарғибу ват-Тарҳиб» 3/239, Димётий «ал-Матжарур Робиҳ» (534 бет)да: Баззор ва Абу Яъло яхши санад билан нақл қилишди, – деди. Ҳайсамий «Мажмаъуз заваайд»да (8/178): Баззор ва Абу Яъло бу ҳадисни ривоят қилишди. Абу Яълонинг Маймұн ибн Ужлаандан бошқа ровийлари саҳиҳ ҳадис ровийлари бўлиб, у ҳам ишончли ровийдир, – деди].

Яна Анас разияллоху анху ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Жаннатдаги кишиларингиздан хабар берайми?», – дедилар. (Саҳобалар): Ҳа, ё Расулуллоҳ!, – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаннатда! (Абу Бакр) Сиддиқ жаннатда! Шаҳар четидаги дўстини Оллоҳ учун зиёрат қилган

*одам жаннатда!», – дедилар* [Табароний «ал-Мўъжамус сағиyr» 1/46. Димётий «ал-Матжарур Робиҳ» (545 бет)да: ИншаОллоҳ, бу ҳадиснинг санади яхшидир, – деди. Табароний бу ҳадисни шунга яқин лафз билан Каъб ибн Ужрадан «ал-Мўъжамул кабиyr»да ривоят қилди (307). Аллома Албоний бу ҳадисни «Саҳиҳул Жомеъ»да ҳасан деди (2604)].

19 – Хуллас, солиҳ дўст сизга диний ва дунёвий тарафлардан фойдалидир.

Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

*«Мўмин – бирга юрсанг ҳам, маслаҳат сўрасанг ҳам, шерик бўлсанг ҳам фойда беради. Унинг барча ишларида манфаат бор!»* (Абу Наъим раҳимаҳуллоҳ: Бу ҳадис Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисдир, – деди. «Ҳилятүл авлия» 8/129);

*«Мўминнинг мисоли хурмога ўхшайди: ундан нимани олсанг сенга фойдадир»* [Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривояти. Табароний « ал-Мўъжамул кабиyr» 2/411. Бу ҳадисни аллома Албоний «Саҳиҳул Жомеъ»да (5848) саҳиҳ деди. Ҳадиснинг асл матни эса икки «Саҳиҳ» ҳадислар девонида шундайдир: «Дарахтлар ичида

*били борки, унинг япроқлари тушмайди ва ўзи мусулмонга ўхшайди. Унинг нима эканини менга айтиб беринглар-чи?» ... Расулуллоҳ соллаллоҳу алаиху ва саллам ўзлари жавоб берид: «У – хурмодир!», – дедилар» (Имом Бухорий 61, Имом Муслим 2811)].*

20 – Солиҳ дўйстлар билан бирга ўтириш самараси, сизни Оллоҳ йўлидаги муҳаббатга олиб боради.

Муҳаббат бирга ўтиришни самара қилиб берганидек, бирга ўтириш ҳам муҳаббатни самара қилиб беради. Оллоҳ йўлидаги муҳаббатнинг нафс учун катта таъсири ва буюк самаралари бўлиб, Оллоҳ таоло унга катта ажру савоблар белгилаб қўйган. Ушбу фазилатлар ва унинг сон-саноқсиз самарали бўлгани боис, улар учун алоҳида баҳс ажратдим.

## **Оллоҳ йўлидаги муҳаббатнинг самара ва фазилатлари**

А) Оллоҳ учун суюш Оллоҳнинг бандани хуш кўришига сабабдир.

Бир оз аввал Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Оллоҳ азза ва жалла айтди: Менинг муҳаббатим Мен учун бир-бирини суйган ва Мен учун бирга ўтиришган одамлар учун вожиб бўлди ...*», ҳадиси ҳамда фариштанинг Оллоҳ йўлидаги биродарини зиёрат қилган одамга: «*Мен сизга Оллоҳнинг у (дўстингиз)ни Оллоҳ учун суйганингиздек сизни ҳам суйганини(айтиш учун) юборилган элчисидирман*», дегани айтиб ўтилди.

Абуд Дардоъ разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан марфуъян шундай дейди: «*Икки киши бир-бирини Оллоҳ йўлидағоибона яхши кўрар экан, дўстини иккинчисидан кўра яхшироқ кўргани Оллоҳга бошқасидан кўра суюмлироқ бўлади*» (Табароний ривоят қилган санад жуда ҳам кучлидир: «Мўъжамул авсат» 5279, Мунзирий «ат-Тарғиб» 4/46).

Б) Оллоҳ таоло бир-бирларини Оллоҳ учун суйган одамларни Аршининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда, Аршининг соясидан жой беради.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу ҳадисини ривоят қилди: «*Етти киши борки, Оллоҳ таоло уларга ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда соя беради. ... Оллоҳ учун бир-бирини суйган ва Оллоҳ учун бирлашиб, Оллоҳ учун айрилган икки киши*» (Имом Бухорий 660, Имом Муслим 1031).

Яна Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Оллоҳ Қиёмат кунида: Менинг улуғлигим билан бир-бирини суйганлар қани? Мен уларга (аршимнинг) соясидан бошқа соя бўлмаган кунда соя бераман, – дейди*» (Имом Муслим 2566).

В) Оллоҳ учун суюш ва Оллоҳ учун нафрат этиш, банда иймонининг камолотига далолат қилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Оллоҳ учун суйган ва Оллоҳ учун ёмон*

*күрган, Оллоҳ учун берган ва Оллоҳ учун бермаган одам иймөнини комил қилибди»* (Абу Умома разияллоҳу аңху ривояти. Абу Довуд 4681. Албоний бу ҳадисни саҳиҳ деган: «Саҳиҳул Жомеъ» 5965).

Г) Оллоҳ учун суюш, иймөн ҳаловатини тотиш омилидир.

Икки «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадислари келган: «Уч хислат борки, улар кимда бўлса иймөн ҳаловатини тотади: Оллоҳ ва Расули унга бошқа барча маҳлуқдан кўра севимлироқ бўлса, бирорни Оллоҳ учун яхши кўрса ва Оллоҳ таоло қутқарганидан сўнгра куфрга қайтишдан жаҳаннамга отилишини ёқтирмаганидек нафрат этса» (Имом Бухорий 16, Имом Муслим 43).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким иймөн таъмини тотмоқчи бўлса, бирорни Оллоҳ учунгина сўйсин!» [Имом Аҳмад 2/298, Баззор 63. Ҳайсамий раҳимаҳуллоҳ айтди: Бу ҳадисни Имом Аҳмад ва Баззорлар ривоят қилишди ва уларнинг ровийлари ишончлидир: «Мажмаъуз заваайд» 1/90. Ҳоким раҳимаҳуллоҳ: Бу ҳадиснинг санади саҳиҳдир, бироқ Имом Бухорий ва Имом

Муслимлар ривоят қилишмади, деди: 4/178. Бу ҳадисни аллома Албоний «Саҳиҳүл Жомеъ»да ҳасан деди (5958)].

Д) Банда, солиҳ инсонларнинг салоҳияти ва устиворлигини суюш билан, қилаётган амали кўп бўлмаса ҳам, уларга ва уларнинг мартабаларига эришади.

Икки «Саҳиҳ» ҳадислар девонида Абдуллоҳ ибн Мастьуд разияллоҳу анхунинг ушбу ривояти нақл қилинганд: «Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдилариға келиб: Ё Расулуллоҳ, бир қавмни суйган, бироқ, уларга етиша олмаган одам ҳақида нима дейсиз?, – деб савол берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Киши суйганлари билан биргадир», – деб жавоб бердилар» (Имом Бухорий 6169, Имом Муслим 2640).

Яна айни манбаларда Анас разияллоҳу анху ривоят қиласиди: «Бирор Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: Қиёмат қачон бўлади?, – деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унга нимани ҳозирладинг?», – дея сўрадилар. Одам: Мен намоз, рўза ва садақадан кўп нарса тайёрлай олмаган бўлсанда, Оллоҳ ва

Расулини яхши кўраман, – деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Сен сўйганларинг билан биргасан!», – дедилар. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Сен сўйганларинг билан биргасан!» деган сўзларидан жуда ҳам севиниб кетдик. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни, Абу Бакр ва Умарни яхши кўраман ва уларга бўлган муҳаббатим туфайли, улардек амал қила олмаган бўлсамда, улар билан бирга бўлишни орзу қиласман» (Имом Бухорий 3688, 6171, 7153; Имом Муслим 2639. Улардаги ривоятлар фарқли лафзлар билан келган).

Али разияллоҳу анҳу марфуъян ривоят қилди: «Киши қайси ҳалқни яхши кўрса, улар билан маҳшарда бирга бўлади» (Табароний 2/40. Мунзирий раҳимаҳуллоҳ бу ҳадиснинг санади яхши эканини айтган: «атТарғибу ват-Тарҳиб» 4/51).

Е) Оллоҳучун яхши кўришнинг фойдаларидан бири, Оллоҳтаоло бир бандани Оллоҳучун сўйган одамга лутфларини ёғдиради.

Оллоҳнинг лутфи бандасига бўлган иймон, фойдали билим, солиҳ амал ва бошқа

неъматларни ўз ичига олади. Абу Умома разияллоху анҳу айтди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «*Банда бошқа бандани Оллоҳ учун яхши кўрар экан, Оллоҳ унга лутфини ёғдиради*» [Ибнү Абид Дунё «Китаабул ихваан» 20, Мақдисий «Китаабул мутаҳааббийн» 8. Лафз ҳар иккисиникидир. Имом Аҳмад бу ҳадисни «Банда бошқа бандани Оллоҳ учун яхши кўрса, Роббиси азза ва жалла унга лутфларини ёғдиради» лафзи билан нақл қилди (5/259). Аллома Албоний ҳадиснинг санади ҳақида: Бу – жуда яхши Шом санадидир, – деди («ас-Силсилатус саҳиҳаҳ» 1256). Бу ҳадисни Суютий ва Муновий раҳимаҳумаллоҳлар саҳиҳ дейишган («Файзул Қадијир» 5/410)].

Ё) Оллоҳ йўлида бир-бирларини суйганлар учун нурли минбарлар бўлиб, уларга пайғамбару шаҳидлар ҳавас қиласидилар.

Термизий раҳимаҳуллоҳ Муоз ибн Жабал разияллоху анҳудан келтирган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: «*Оллоҳ таоло айтди: Менинг буюклигим учун бир-бирларини яхши кўрганларга нурли минбарлар бўлиб, уларга пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳавас қилишади*» [Термизий ривояти (2390). У бу ҳадисни ҳасан саҳиҳ деган бўлса, аллома Албоний «Саҳиҳул Жомеъ»да саҳиҳ деган (4312)].

Яхши одамлар билан дўстлашиш самараларини кўргач ва солиҳ одам билан дўстлашишнинг ҳар жиҳатдан дунё ва охиратда катта манфаатлари бор эканини аниқ бўлгач, (энди) муҳаббати ва дўстлиги дунё ва охиратда қандай баҳтиқароликларга олиб боришини қўришимиз учун, муқобил тараф – ёмон дўстлар мавзусига ўтамиз.

## **Ёмон дўстнинг заарлари**

Ёмон дўстнинг дўстига дунё ва охиратда ҳар томонлама зарари бордир. Ёмон одамлар сұхбатидан келадиган барча фасод ва заарларнинг олдини олиш анчагина қийиндир. Шояд улардан баъзиларини айтишнинг ўзи, оқилнинг бундай сұхбатлардан йироқ туришга етарли туртки бўлар.

1 – Ёмон дўстнинг заарларидан бири, унинг сизда соғлом эътиқодингиз ҳақида шубҳа уйғотиб, ундан буришидир.

Оллоҳ таоло бу ҳақда Софрат сурасида шундай дейди:

**«Бас улар (яъни аҳли жаннат) бир-бирларига қараб савол-жавоб қилурлар. (Шундай сұхбатларнинг бирида) улардан бири деди: «Менинг бир дўстим бор эди. У (менга) «Ростдан ҳам сен (ўлганимиздан сўнг яна қайта тирилишимизни) тасдиқ этгувчиларданмисан? Бизлар ўлиб, тупроқ ва сүякларга айланиб кетган вақтимизда ҳақиқатан ҳам (қайта**

тирилтирилиб) жазолангучимизми?»  
эди» (Соффат: 50 – 53).

Сиз ёмон дўстлари кофир бўлиб ўлишида катта рол ўйнаган Абу Толибнинг хикоясига қулоқ беринг: Имом Бухорий ва Имом Муслим раҳимаҳумаллоҳлар Мусайяб ибн Ҳазн разияллоҳу анҳудан ривоят қиласидилар: «Ўлим тўшагида ётган Абу Толибнинг олдига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келдилар ва унинг ҳузурида Абу Жаҳл ибн Ҳишом ва Абдуллоҳ ибн Умайяларни кўрдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Абу Толибга): «*Амаки, Оллоҳнинг даргоҳида сиз учун ҳужжат қилишим учун «Ла илаҳа иллаллоҳ» (Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ) жумласини айтинг!», – дедилар.* Абу Жаҳл ва Абдуллоҳ ибн Умайя: Ҳой Абу Толиб, сиз Абдулмутталибнинг миллатидан воз кечасизми?!, – дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (шаҳодат) калимасини таклиф қилгани сайин у иккиси ўз сўзларини такрорлашар эди. Ҳатто Абу Толибнинг охирги гапи: Мен Абдулмутталибнинг динидаман!, бўлди ва «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтишдан воз кечди» (Имом Бухорий 1360, Имом Муслим 34).

Дўстим, сиз ёмон дўстлар қилган ишга қаранг: Абу Толибни адаштиридилар, ўжарлик билан жаҳаннамга топширидилар! Оллоҳ таоло бундай дўстлардан асрасин!

2 – Ёмон дўст ўз суҳбатдошини ўзи каби мункар ва гуноҳ ишларни қилишга чорлайди ва шуни севади.

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ бу ҳақда шундай дейди: «Дарҳақиқат, мункар аҳлининг кўпи мункарларини суйган одамни яхши, ёмон кўрганларни эса ёмон кўрадилар. Шунинг учун ҳам дунёвий ва шаҳвоний ишларда шу ишларни танлаган ва шерик бўлан одамларни ё раҳбар, қароқчилик ва бошқа гуноҳларда ёрдамчи бўлиш, ёки, шаробхўрликда ўртоқ бўлиш учун танлайдилар ёхуд ҳasad қилганлари боис ўзларидан кўра яхшиликни кўп қилиб, устунлигини қўрсатиб, бошқалардан раҳмат олиш билан ажralиб туриши ва ўз заарларига ҳужжат бўлиши ёда ўзи ёки даъво қилган жойидаги раҳбарлар зарар бериб қўйиши ёхуд унинг миннати ҳамда хатари тагида қолиш ва бундан

бошқа сабаблар боис ёқтирмайдилар. Оллоҳ таоло айтди:

**«Аҳли китобларнинг кўпчилиги сизларни, иймонли бўлганингиздан кейин (яъни ҳозир), уларнинг ўзларига ҳам ҳақиқат очиқ равшан бўлганидан кейин ҳасад қилганлари сабабли қуфрга қайтаришни истайди»** (Бақара: 109).

Оллоҳ таоло мунофиқлар ҳақида шундай деди:

**«Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, улар билан баробар бўлиб қолишларингизни истайдилар»** (Нисо: 89). Усмон разияллоҳу анху: «Зония барча хотин-қизлар зино қилишини яхши қўради», – деди» («Мажмуъу фатаава» 28/150–151).

3 – Одам ўз табиатига кўра суҳбатдошининг одатлари, ахлоқи ва ишлари билан таъсирланади.

Юқорида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «*Киши дўстининг динида бўлади. Бас, бирорингиз ким билан дўстлашаётганига диққат қилсин!*» ҳадиси ўтди. Демак, суҳбатдошдан дўсти

таъсирланади, унинг табиатини олади. Баъзилар: «Ёмон одамлар билан бирга ўтиришдан сақланинг! Чунки, табиатингиз унинг табиатини ўғирлаб олганини сезмай қоласиз», – дейишган (Роғиб Исфаҳоний «аз-Зариҳа ила макааримиш шариҳ» 193).

4 – Ёмон одамни кўришнинг ўзи сизга унинг ошкора ёки хуфёна қилган гуноҳларини эслатади.

Натижада, ғофил ва банд бўлган пайтларида кишининг кўнглига ўша гуноҳлар келади. Обид инсонни кўриш ибодат қилишга муваффақ қилган Оллоҳни хотирлатади. Осийни кўриш эса маъсиятга етаклаган Шайтонни эслатади. Роғиб Исфаҳоний раҳимаҳуллоҳ шундай дейди: «Суҳбатдош суҳбатдошига ўзининг гаплари ва ишлари билангина эмас, кўриниши билан ҳам таъсирини ўtkазади. Суратларга қараш ҳам, суратдаги одам ахлоқининг қараётган одамга ўтишига таъсир қилади» (Роғиб Исфаҳоний «аз-Зариҳа ила макааримиш шариҳ» 193).

5 – Ёмон одам сизни ёмон одамларга олиб боради ва улар сизга зарар беришади.

Улар суҳбатдошингиздан ҳам разилроқ бўлишлари мумкин.

6 – Ёмон дўст айбу камчиликларини сиздан яширади ва сиз уларни кўра олмайсиз.

У хатоларини сизга чиройли нарсалардек, гуноҳларни қалбинингизга оғирлиги бўлмагандек, ибодатлардаги ғофилликни эса оқибати хайдридек кўрсатади.

7 – Ёмон дўстлар билан бирга шаҳват ва лаззатларга ғарқ бўлиш ёки уларнинг таъқиқлашлари ёхуд ёмон одамлар билан бирга юрганингиздан уялганингиз туфайли солиҳ ва эзгу ишларни қиласидиган одамлар суҳбатидан маҳрум қоласиз.

Натижада, солиҳ одамлардан узоқлашганингизга қараб яхшилик ва эзгуликлардан маҳрум бўласиз.

8 – Ёмон дўстлар билан бирга ўтирган одам ўз ишларини уларнинг қилмишларига қиёслайди.

Натижада, ўзининг ёмон ишларини уларникининг олдида арзимас деб билади. Бу эса унинг ҳаддан ошиши, Тўғри йўлдан оғишининг кучайиши, солиҳ амалларни камситиши, энг камида, ўзининг ҳолатини севиб кибрланишига сабаб бўлади. Кибр эса, юқорида айтиб ўтилганидек, ҳалокатли иллатdir.

9 – Ёмон дўстларнинг ўтиришлари қўшиқ, чақимчилик, фийбат, ёлғон, лаънатлаш қаби ҳаром ва маъсиятлардан холи бўлмайди.

Бундай ўтиришларда иштирок этаётган одам ё бу гуноҳларга рози бўлади ёки уларни таъқиқлашга тиришади. Бироқ, ўша даврадан ажрала олмай, гуноҳларга ўртоқ бўлади. Чунки, уламоларниг айтишича, инкор этиш – мункар давом этаверса даврадан айрилишни тақозо этади. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган:

**«Қачон Бизнинг оятларимизни (масхара қилишга) киришаётган кимсаларни кўрсангиз, то бошқа гапга киришгунларича улардан юз ўгириング! Энди агар шайтон ёдингиздан чиқарса,**

**эслаганингиздан сўнг бу золим қавм билан бирга ўтирунг!» (Анъом: 68);**

**«Ахир Оллоҳ сизларга Китобда: «Қачонки Оллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирунглар», деган сўзларни нозил қилган эдикү?! (Модомики, улар билан ўтирган экансиз), демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз уларнинг ўзисиз. Албатта, Оллоҳ барча мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамга жамлагувчиидир» (Нисо: 140).**

**10 – Ёмон одам билан дўстлашиш ва суҳбатдош бўлиш, заррача ихтилоф ва зарар келиши билан тўхтайди ва ўрнини нафрат эгаллайди.**

Абдуллоҳ ибн Муътазз раҳимаҳуллоҳ айтди:  
**«Ёмон дўстлар мусибат пайтида қочишади ва неъматлар сероб бўлганида атрофингда гир айланишади»** (Хаттобий «Китаабул узлаҳ» 194).

Али ибн Довуд раҳимаҳуллоҳ айтди (Мақдисий «Китабул мутаҳоббийна филлаҳ» 37 б.):

Оллоҳдан бошқаси чун дўст бўлганларнинг,  
Дўстликлари мангу эмас, инонгин ҳардам.  
Оллоҳ чун дўст бўлган дўстлар хайрли,  
Муҳаббату софликлари доимо ҳамдам.

Абу Ҳасан Тиҳомий раҳимаҳуллоҳ айтди  
(«Девонут-Тиҳомий» 315 б.):

Икки нарса бирдан кетар йўқ бўлиб:  
Ёшлиқ бебошлиги, бадбаҳт дўстлиги...

Айрим донишмандларнинг муҳрига шу нақшлар солинган эди: «Биров сени бирон иш сабабли яхши кўрган бўлса, ўша иши битиши билан сендан айрилади» (Хаттобий «Китаабул үзлаҳ» 151).

Ибн Ҳиббон раҳимаҳуллоҳ айтди: «Оқил инсон ёмонлар билан дўст бўлмайди. Чунки уларнинг дўстлиги гиналарни ўз ичига олган оташ парчасидир. Ёмон одам ҳақиқий дўстликни билмас ва ваъдасига вафо қилмас» (Ибн Ҳиббон «Равзатул үқало» 101 б.).

Шайхулислом Ибн Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтди: «Одамлар бир-бирларига ўз ихтиёrlари

билин гуноху тажовузда ҳамкор бўлсалар ҳам, бир-бирларидан нафрат этадилар. Товус (раҳимаҳуллоҳ): Икки киши Оллоҳдан бошқаси учун бирлашсалар, албатта, жанжаллашиб айриладилар, деган. Агар дўстлик икки кишининг манфаати асосига қурилмаган бўлса, унинг оқибати адovat бўлади. Уларнинг манфаатлари эса, дўстликлари Оллоҳ учунгина бўлса амалга ошади. Агар бири иккинчисининг манфаати учун фидокорлик қилса ёки қилган талабларига ёрдамчи бўлса, бундай йўллар билан бир-бирларини рози қилишга уринишнинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Чунки бундай ҳаракатлар ҳам ўзаро нафрат, душманлик ва лаънатлашга олиб боради. Уларнинг ҳар бири бошқасига: Сен бўлмасайдинг мен бу ишни қилмасдим! Бу менинг ва сенинг ҳалокатингдир!, – дейди» («Мажмуъу фатаава» 15/128, 129).

11 – Ёмон дўстлар билан жўралиқ бу дунёда давом этсада, Охират келиши билан узилиб, Оллоҳ таоло айтганидек, адovat ва нафратга айланади:

**«У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Оллоҳ йўлида дўстлашган) тақводор**

**зотларгина** (мангу дўстдирлар)» (Зухруф: 67). Дўстликнинг нафрат ва адватга айлинш сабаби, гуноҳ ва тажовузга ҳавкорликдир. Оллоҳ таоло бу ҳақда шундай деди:

**«Иброҳим айтди: «Сизлар фақат ҳаёти дунёдаги ўзаро ошна-оғайнигарчилигингизни кўзлаб, Оллоҳни қўйиб, бутларни ушладинглар. Ҳали қиёмат кунида айримларингиз (яъни пешволарингиз) айримларингиздан (эргашувчилардан) тонур, айримларингиз айримларингизни лаънатлар. Сизларнинг борар жойингиз дўзахдир. (У жойда) сизлар учун ёрдамчилар йўқдир»** (Анкабут: 25).

Иbn Таймийя раҳимаҳуллоҳ айтди: «Улардан бири шериклигидан зарар кўрса ва гуноҳ қилганига шоҳид бўлса, бошқасини кофирга чиқариб, лаънат қила бошлайди» («Мажмуъу фатаава» 15/129).

12 – Фисқу фужур ўтиришларининг кўпида Оллоҳни ёд қилинмайди.

Бу эса ўша ерда иштирок этган кимсалар учун Қиёмат кунида ҳасрату надомат бўлади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай деганлар: «*Бирон қавм ўтиришларнинг биронтасидан Оллоҳни ёдга олмай турар эканлар, гўё ўлимтик устидан тургандек турадилар ва бу ўтиришлари Қиёмат кунида улар учун пушаймонлик бўлади*» [Абу Довуд 4855, Имом Нававий бу ҳадисни «Риёзус солиҳийн»да (838) ва аллома Албоний «Саҳиҳул Жомеъ»да (5750) саҳиҳ деган].

13 – Ёмон дўстлар билан бирга ўтириш вақтни беҳуда ўтказиш ҳисобланиб, удан Қиёмат кунида сарҳисоб қилинади.

14 – Сиз ёмон дўстлар билан таниласиз ва ҳаққингизда ёмон гумонлар айланиб юради.

Хуллас, ёмон одамлар ўзларига яқинлашганларга дунё ва охиратда зарар келтиради.

Абдурраҳмон Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Хуллас, ёмон одамлар билан дўстлашиш ва уларга яқин бўлиш, ҳар тарафдан зиёндир. Улар сабабли қанча одам ҳалок бўлди, қанча одам эса

сезган ва сезмаган ҳолатида уларнинг етовида ҳалокатли маконларга етиб борди» (Аллома Носир Саъдий «Баҳжату құлубил аброр», 68-ҳадис).

Шунинг учун Абу Асвад Дуали раҳимахуллоҳ: «Оллоҳ таоло ёмон дўстдан кўра зарарли маҳлуқотни яратмади», – деди (Суютий «аш-Шиҳабус саақиб фий заммил халили вас-Соҳиб» 32 б.).

Нафсининг дунё ва охиратда нажот топишини хоҳлаган оқил, ёмон одамларга аралашишдан йироқ бўлиши, улардан қочиши ва бу ишга эътиборсиз қарамаслиги лозим.

Ушбу баҳснинг хотимасида, ёхши ва ёмон дўстларнинг осорларини кўриб ўтгач, сизларга ўтиришларни танлаш ва унга тарғиб ҳақида баъзи осорларни тақдим этмоқчиман.

## **Дүстларни танлаш ҳақида нақл қилингандар осорлар**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўмин билангина дўст бўйл ва таомингни тақвадоргина есин!». Бу ҳадисни Имом Аҳмад (3/38), Термизий (2395) ва Абу Довуд (4832) ривоят қилдилар ва уни Бағавий («Шарҳус суннаҳ» 13/69) ва Ибн Муфлиҳ («ал-Аадаабуш шаръийя» 3/561) келтирди.

Хаттобий раҳимаҳуллоҳ ушбу ҳадисга «Китаабул узлаҳ» китобида қилган шарҳида шу сатрларни ёзган: «Бунинг маъноси: Таомингизни тақводорларгина есин! Чунки ҳамтовоқлик дўстликни тақозо этиб, кўнгилларни жамлайди. Сиз аралашган ва хос дўстларингизнинг тақволи бўлишига ҳаракат қилинг!» («Китаабул узлаҳ» 142 б.).

Луқмон ўғлига шундай деди: «Ўғилчам, Оллоҳга тақво қилгандан кейин, солиҳ ўртоқ билан дўстлашини унутма!» (Хаттобий «Китаабул узлаҳ» 110 б.).

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтди:

«Ўзингизга алоқаси бўлмаган нарса ҳақида гапирманг! Душманингиздан йироқ туринг! Омонатдор дўстингиздангина хотиржам бўлинг! Оллоҳдан қўрққан ва Оллоҳга итоат қилган дўстгина омонатдор бўлади. Фосиқ одамлар билан бирга юрсангиз, сизга фосиқлигини ўргатади ва унга сирингизни берманг ҳамда ишларингизда Оллоҳдан қўрқадиган одамлар билангина машварат қилинг!» (Хаттобий «Китаабул үзлаҳ» 144 б.);

«Одамзотга Исломдан сўнгра солиҳ дўстдан кўра яхшироқ (неъмат) берилмаган» (Муҳаммад Зубайдий «Итҳаафус саадатил муттақийн» 144 б.).

Али разияллоҳу анҳу айтди: «Дўстлардан айрилмангиз! Чунки, улар дунё ва охиратда заҳирадир. Ахир, жаҳаннам аҳлининг:

**«Бизнинг на оқловчи ва на самимий дўстлари бор»** (Шуаро: 100, 101) оятдаги сўзларига қулоқ солмайсизми?!» (Абу Ҳомид Ғаззолий «Иҳяу улумид дийн» 2/160).

Ғаззолий раҳимахуллоҳ айтди: «Ийсо алайҳиссалом: «Қўриниши сизларга Оллоҳни эслатадиган, гаплари амалингизни

кўпайтирадиган, амали Охиратга рағбатлантирадиган одамлар билан бирга ўтирингиз!», – деди» (Муҳаммад Ғаззолий «Иҳяу улумид дийн» 2/159).

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтди: «Бирорингиз Оллоҳ йўлида бир биродарини кўпайтирса, ўша билан (Оллоҳ ҳузуридаги) мақомини юксалтади» (Ибн Ҳажар «ал-Матолибил аалия» 4/10).

Абу Дардоъ разияллоҳу анҳу айтди: «Агар учта нарса бўлмаса Ернинг устида эмас, остида бўлишни хоҳлар эдим: хурмонинг сараларини танлашгандек сўзларнинг сарасини танлаган дўстларим, Оллоҳга юзларимни тупроққа белаб қилган саждаларим ва Оллоҳ йўлидаги бориш ёки келишлар» (Имом Аҳмад «аз-Зуҳд» 135 б.).

Муҳаммад ибн Восеъ раҳимаҳуллоҳ айтди: «Будунёда жамоат билан ўқилган намоз ва дўстлар билан учрашишдан бошқа лаззатлироқ нарса қолмади» (Имом Аҳмад «аз-Зуҳд» 313 б.).

Билол ибн Саъд раҳимаҳуллоҳ айтди: «Сизга дуч келгач Оллоҳни эслатган дўстингиз, ҳар

учрашганида кафтиңгизга олтин танга кафтлаган дўстингиздан кўра яхшироқдир!» (Ибн Муборак «аз-Зуҳд» 167 б., «Ҳилятүл авлия» 5/225).

Айрим донишмандларга: «Бойликларнинг қайси бири яхшироқ?», – деб савол берилганида: «Оллоҳга бўлган тақводан сўнгра солиҳ биродар!», – деб жавоб берди (Ибну Абид Дунё «ал-Ихваан» 133 б.).

Суфён раҳимахуллоҳга: «Ҳаётнинг суви нима?», – деб савол берилганида: «Дўстлар учрашуви!», – деб жавоб берди (Ибн Ҳиббон «Равзатул уқало» 93 б.).

Салафларнинг айримлари: «Дўстларни қидиришда сустлашган одам энг ожиз инсонлардан бири бўлса, дўстларни қўлдан чиқарган одам ундан ҳам баттардир», – деди (Ғаззолий «Иҳяу улумид дийн» 2/180).

Муҳаммад ибн Восеъ раҳимахуллоҳдан: «Дунёдаги энг афзал амал нима?», – деб сўралганида: «Тақво ва эзгулик билан яқинлашган дўстлар билан йўлдош, биродарлар билан сұҳбатдош бўлиш. Шундагина ўрталарида келишмовчиликлари бартараф бўлади», – деб

жавоб берди (Ибнү Абид Дунё «ал-Ихваан» 28 б., Мақдисий «Китабул мутаҳааббийна филлаҳ» 30 б.).

Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ айтди: «Яхши одамлар билан елкангда тош кўтаришинг, фожирлар билан ёққа қориштирилган хурмодан қилинган ҳалво – хabisани тановул қилишингдан кўра яхшироқдир», деб ушбу байтларни ўқиди:

Яхши одамлар-ла дўст бўйл, мусулмон бўлиб  
кутиласан,

Ёмонларга бир кун дўст бўлган, доим  
пушаймон бўлган».

(Қуртубий тафсири 13/27, Ибн Ҳиббон «Равзатул уқало» 100 б.).

Ҳилолур Раъй раҳимаҳуллоҳ айтди: «Кучли дўстликлар, Оллоҳ азза ва жалла йўлида бўлган дўстликлардир» («Таҳзибу таърихи Димашқ» 1/439).

Маъмун раҳимаҳуллоҳ айтди: «Мулк ва фарзанд муҳаббатига ғолиб бўлган дўст – солиҳ дўстдир» (Фарнаатий «Жаннатур ризо фи таслим лимаа қоддарОллоҳу ва қазо» 3/68).

Сүфён Саврий раҳимаҳуллоҳ шу байтларни мисол қилиб келтирас эди:

Дўст бўлмоқчи бўлсанг мардлар билан,  
Ишларини текшир бўш кетмасин замон,  
Омонатли ва тақводор одамни топсанг,  
Ўша қувонч, айрилмагин ундан ҳеч қачон!

(Ибну Абид Дунё «ал-Ихваан» 115 б., Ибн Ҳиббон «Равзатул уқало» 105 б.).

Муҳаммад ибн Имрон раҳимаҳуллоҳ айтди:

Одамзот дўстлари билан кучлидир.  
Кафтлар бўғим билан кучли бўлгандек.  
Бўғимлари кесилган кафтда йўқдир куч,  
Кесилган билақда иш бўлмагандек!

(Ибн Ҳиббон «Равзатул уқало» 86 б.).

Куртубий раҳимаҳуллоҳ ўз тафсирида айrim шоирларнинг ушбу байтларини келтирган:

Ёмон дўстдан узоқлаш,  
кес унинг арқонини.  
Кўрмасанг ундан яхшилик,

айланиб ўт ёнини.  
Содиқ дўстга меҳр қўй,  
қилма у билан тўполон.  
Соф дўстликка эришасан,  
ҳалим қолсанг ҳар замон!

(Қуртубий тафсири 13/26).

Бошқа шоир шундай деди:

Қайси жойда дуч келсанг ҳам,  
Яхши одам бўлсин йўлдошинг.  
Яхши йўлдош ким?, десанг агар.  
Зарофатли бўлар қардошинг!  
Одамлар ҳам ўхшар тангага,  
Бири яхши, бири гўрсўхта.  
Тангаларнинг бири ҳақиқий,  
Бири эса гоҳида сохта!

(Ибн Ҳиббон «Равзатул уқало» 105 б., Қуртубий тафсири 13/26).

## **Хотима**

Дўстим, яхши ва солиҳ одамлардан айрилманг ва ўзингизни шунга кўнигириш! Уларнинг билимлари, ахлоқлари ва амалларидан ўрнак олиб, фикр ва тавсияларидан баҳраманд бўлинг! Эсимдан чиқмай шуни ҳам айтиб қўяй, сиз гоҳида у одамлардан ҳам камчиликлари, фарқли табиат ва тарзлари туфайли озор чекишингиз мумкин. Ўша пайтда сабр қилинг ва доимо қўйидаги оят кўз ўнгингизда турсин ва уни қалбингизга ёзиб қўйинг:

**«Сиз ўзингизни эртаю, кеч Парвардигорларининг юзини – розилигини истаб, Унга илтижо қиласидиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)! Ва Биз қалбини Бизни зикр қилишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи-нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!» (Қаҳф: 28).**

Оллоҳ таолодан мени ва сизларни қўлимиздан ушлаб дунё ва охират саодатига етаклайдиган солиҳ дўстларни топишга муваффақ қилиши,

яхшиликларни қилиб, ёмонликлардан воз кечишга мұяссар айлаши, ҳар биримизни яхшиликлар очувчиси ва ёмонликлар ёпувчиси қилиши ҳамда Ўзининг раҳмат қароргоҳида бирлаштиришини тилайман. Омийн!

Оллоҳ таоло пайғамбаримиз Мұҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва барча асҳобларига салавоту саломлар йўлласин...